

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КЎП ОВОЗЛИК ҚЎШИҚ КУЙЛАШ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Худойназарова Шахлохон Баҳодировна

Гулистон давлат педагогика институти 1-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Рахимов Нурилло Нарзуллаевич

Гулистон давлат педагогика институти в.б.доценти

Телефон: +998883310771

Аннотация: *Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ўз профессионал хор санъатига эга бўлмасада, лекин қадим замонлардан бери жамоа (хор) бўлиб қўшиқ айтиш анъаналарига эга бўлган. Ушбу мақола бошланғич синфларда кўп овозлик куйлаш малакаларини ривожлантириш ҳақида.*

Калит сўзлар: *хор, қўшиқ, мусиқа хотираси, товуш, унисон, хор тўгараклари, сольфеджио.*

Маълумки, ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар каби асрлар давомида ўзининг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган мусикий дурдоналарини яратган, эъзозлаган ва уни оғзаки усулда авлоддан-авлодга қолдирган.

Айрим маълумотларга кўра, Сўғд давлатида профессионал хор мавжуд бўлган, кейинчалик араб истилосидан кейин бу санъат ривожланмаган ва профессионал якка ижрочилик, анъанавий халқ жамоа ижрочилик шакллари сақланиб қолган.

Кўп овозли мусиқа асарларини қўлламай туриб ўқувчиларга мусиқа тарбияси бериш қийин бўлади. Болаларнинг мусиқа ўрганишлари уларнинг илк ёшлик давридан тарбиялаб борилади. Радио, телевидение орқали олинган кўпдан-кўп мусиқа ахбороти болалар ўқувини жонажон халқ мусиқаси ва турлитуман шаклда намоён бўладиган кўп овозли мусиқа садолари билан бойитиб боради. Аммо буларнинг ҳаммаси суст-пассив тарбия ҳисобланади. Мусиқавий таассуротларнинг бундай турлари болаларда кўп овозли мусиқанинг гўзаллигини чинакам ҳис этиш ва идрок қилиш кўникмасини тобора ўстиришга қодир эмас. Кўп овозли асарларни ижро этишда болаларнинг ўзларини бевосита қатнаштириш йўли билангина фаол кўникма ҳосил қилинади.

Умумий таълим мактабида болалар, асосан, мусиқа тарбияси дарслари ва хор тўгаракларида қўшиқ айтишда иштирок қилиб, мусиқа ижро этишни ва қўшиқ айтишни ўрганадилар.

Икки овозли қўшиқ кўп овозли қўшиқ учун асос бўлади, буни эгаллаш учун ўқитувчидан ҳам, ўқувчилардан ҳам ғоят катта қўл ва сабот-матонат билан шуғулланиш талаб этилади.

Муסיқа ўқуви ва муסיқа хотирасини, айниқса, товуш баланд-пастлиги хотирасини ўстира бориш орқасида икки овозли қўшиқ айтиш малакалари ҳосил бўлади, чунки бир овозли қўшиқларни айтишдан кўп овозли қўшиқларни айтишга ўтишдаги асосий қийинчилик икки овозли асарларни худди шу товуш баланд-пастлигига жиҳатидан ижро этиш билан боғлиқдир.

Икки овозли қўшиқларни ўрганишга киришишдан олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади. Бу даврда икки овозли қўшиқ айтишга замин ҳозирланади. Бир овоз унисонда қўшиқ айтиш ва бу иш жараёнида ҳосил қилинадиган малакалар худди шу заминнинг ўзидир.

Унисонда қўшиқ айтишга хос ўзаро боғлиқ малакалар қуйидагилардан: муסיқани зеҳн қўйиб тинглай билиш, уни ҳис этиш, товуш баланд-пастлигини таҳлил қила билиш, эшитиб назорат қилиш, муסיқа хотираси ва унинг турларидан бири — товуш баланд-пастлигини билиб эслаб қолишдан иборат.

Мактабда муסיқа тарбияси ва таълими беришнинг асоси хор бўлиб ашула айтишдир. Ашулани тўғри айтиш, товушларни тўғри талаффуз қилиш ва ашула ўрганишни тезлаштириш учун сольфеджио, яъни нотаниш куйларни нотага қараб айтиш малакаларини эгаллаш катта аҳамиятга эгадир.

Кўповозли куйларни нотага қараб ижро этиш малакасини эгаллаш жуда мураккаб ва узоқ вақтни талаб этадиган жараёндир. У ашула ўқитувчисидан ўз ўқувчилари билан жуда синчиклаб ва тизимли равишда иш олиб боришни талаб этади. Агар ўқувчилар синфдан – синфга ўтганлари сари нотага қараб кўповозли куйлаш малакаларини изчиллик билан аста - секин ўзлаштириб борсалар, юқори синфларда ашулани эшитиб кўповозли куйларни бемалол ўрганишга ўтишлари мумкин.

Кўповозли қўшиқ куйлашнинг тури - сольфежиодир. Сольфежио малакаларини эгаллаш ўқитувчиларнинг муסיқа ўқувини ўстиришда, уларнинг амалий ишида катта аҳамиятга эгадир. Нотаниш куйни нотага қараб чалиш учун дилдан куйлаш, ўқуви ривожланган бўлиши, яъни ёзилган куйнинг фикран тасаввур қила оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам муסיқа ўқувини ўстириш ва муסיқа тарбиясига етарли даражада эга бўлишлик узоқ вақтни ва мунтазам равишда ишлашни талаб қилади. Бунга муסיқа саводини ўрганиш, муסיқа адабиётлари билан танишиш, вокал хор малакаларини эгаллаш мобайнида эришилади.

Сольфеджио малакасини эгаллаш кўп вақтни талаб қилади ва у 1-синфдан бошланса ҳам ўзининг энг асосий мақсадига - нотага қараб қўшиқ ўрганишга фақат юқори синфларда (7-8 синфларда) эриша олади.

Болалар «дилда куйлаш ўқуви» билан тасаввур қила оладиган куйнигина тайёргарлик кўрмасдан нотага қараб ижро эта оладилар. Шунинг учун нотаниш куйнинг нотага қараб ижро этиш малакасини эгаллашда

болаларга тушунарли бўлган, уларнинг ўқуви ва умуман музика савиясига мос келадиган материал танлаш керак.

Нотаниш куйларнинг нотага қараб ижро этиш маҳоратлари бирдан – бир мақсад бўлиб қолмаслик учун, болаларда нотаниш куйни ижро этиш учун қизиқиш туғдириши мумкин, бу машғулотларнинг келгусидаги амалий ишда қандай катта аҳамиятга эга бўлишини кўрсатиши керак. Шу сабабли нотаниш кўповозли асарни ижро этиш учун синфда ўрганилаётган ашулаларнинг айрим парчаларидан фойдаланиш мумкин.

Юқоридагиларнинг ҳаммасига якун ясаб, куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Болаларни кўповозли қўшиқ ўргатишда сольфеджио малакасини эгаллаш катта аҳамиятга эга. Қўшиқ дарсида болаларнинг музика савиясини ўстирадиган бундай муҳит ишга етарли баҳо бермаслик мумкин эмас.

2. Сольфеджио таълими кўповозли музика саводини, музика адабиётини ўрганиш ва вокал – хор малакаларини эгаллаш ишлари билан тизимли равишда изчиллик билан боғланиб боришлиги керак. Бунга ҳар бир дарсда 17-20 дақиқа вақт ажратиши лозим.

3. Кўповозли қўшиқ айтишнинг кўпгина турлари мавжуд.

а) илгари эшитган куйни сўз билан айтиш ва уни бир вақтда нота ёзувида унинг йўналиш ҳаракатини кўрсатиш

б) илгари эшитиб ўрганган куйни нотада номларини айтиб қуйлаш.

в) сольфеджио

4. Нотага қараб қўшиқ айтиш 1- синфдан бошланади ва мактабни тугатгунча давом этади.

Ўқувчилардаги кўповозли қуйлаш малакаларини ошириш устида фан ўқитувчиси жуда катта иш олиб бориши ва иш методини такомиллаштириб туриши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримова Д. “Музикалий педагогик маҳорат асослари” Т., “Иқтисод-молия” 2008 й.

2. Мирзаев Қ.Т. “Болалар хор жамоаси билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.

3. Ибрагимова Н. МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ. Vol. 3 No. 28 (2024): THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY